АБДУРАХМОН ИБН ХАЛДУННИНГ ДИНИЙ -МАЪРИФИЙ МЕРОСИ ВА ИЛМ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

НУРМАТОВА МАСТУРА МАХМУДОВНА
ИЖТИМОИЙ ВА СИЁСИЙ ФАНЛАР ИНСТИТУТИ
АРАБ ТИЛИ ФАНИДАН КАТТА ЎҚИТУВЧИ,
АБДУЛХАҚОВА ФОТИМА АБДУРАСУЛ ҚИЗИ
ИСФИ 2 КУРС АРАБ ФИЛОЛОГИЯСИ ТАЛАБАСИ

АНОТАЦИЯ: *Ушбу мақолада Ибн халдуннинг диний илмлар ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинади. Муаллифнинг исломий илмлар таснифи, уларнинг жамият тараққиёти ва инсон камолотидаги ўрни ҳақидаги фикрлари ёритиб берилади. Шунингдек, Ибн Халдуннинг диний ва ақлий илмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақидаги қарашлари, илм-фан ривожида таълим ва тарбиянинг аҳамияти хусусидаги мулоҳазалари тадқиқ этилади. Мақолада мутафаккирнинг "Муқаддима" асари асосида диний илмларнинг моҳияти, уларнинг тараққиёт омиллари ҳамда ижтимоий ҳаётга таъсири илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари Ибн Халдун илмий меросининг бугунги кунда ҳам муҳим назарий ва маънавий аҳамиятга эга эканини кўрсатади.*

Калит сўзлар: *ИБН ХАЛДУН, диний илмлар, исломий таълимот, илмлар таснифи, "Муқаддима", ақлий илмлар, маънавий мерос, ислом фалсафаси, таълим ва тарбия, жамият тараққиёти, илмий қарашлар, ислом цивилизацияси.*

Тарихчи ва Жамиятшуноснинг диний дунёқарашини ўрганиш нафақат Ибн Халдун яшаган давр манзарасини,балки мутафаккирнинг бевосита динга муносабатини ҳам ёркинроқ очиб беради.Олимнинг диний дунёқарашига баҳо бериш Усмонийлар салтанати давридаёқ

imrconf.com

бошланган эди.Аммо ғарбда эса Ибн Халдун тутган йўли XIX аср намояндаси Г.Виконинг ёндашувига таққосланган (бунда ,асосан ,иккала мутафаккирнинг ҳам ислом ва христианлик таълимотлари билан уйғунликда тарих тушунчасини ёритишлари кўзда тутилган).

Ибн Халдун Абдураҳмон Абу Зайд ибн Муҳаммад 1332 йил 27 майда Тунисда туғилган.У машҳур мусулмон мутафаккири, файласуфи ва тарихчиси, арабшунос ҳамда буюк давлат арбобидир. Ҳақиқий исми Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Хасан. Ислом оламида энг улуғ мутафаккирлардан бири ва энг муҳим асарлари “Муқаддимма” билан машҳур, тарих , маданият, жамият ва сиёсий ҳокимият борасида ҳар қандай мусулмон мутафаккиридан жуда кўп асарлар ёзиб қолдирган. Отаси хуқуқшунос бўлганлиги боис ўз касбини ўғлига ўргатган. Шу билан бирга , унга Қуръони карим ва араб тилининг нозик жиҳатларини ҳам ўргатди. Сўнгра Ибн Халдун таниқли олимлар билан бирга таҳсил олди. Ўн саккиз ёшида серқирра олим бўлишга улгурди.Ибн Халдун кўп йиллар давомида давлатнинг турли лавозимларида ишлади. Олим ҳаёти давомида кўплаб саёҳатларни амалга оширган. У Жазоир ва Марокашга сафар қилган ва у ерда ушбу минтақадаги таниқли кутубхонада ўз билимларини бойитган.У ерда таниқли испан олимлари билан мулоқотда бўлди.Кейин у Испанияга сафар қилди, кейнчалик Жазоирга қайтиб,масжид котиби бўлиб ишлади.Кейинчалик уни жамоат хизматига таклиф қилишди.Жазоирда “ Ибн Салома ” қалъасида ўтириб, “Тарихи Ибн Халдун” асарини ёза бошлади.1382 йили Ибн Халдун Қоҳирага кўчиб ўтади ва ал-Азҳар университетида профессор лавозимида ишлади. У 1387-1388 йиллари Маккаи Мукаррамага, 1400 йили муқаддас шаҳар Фаластинни зиёрат қилди.

Ибн Халдуннинг машҳур воқеалар сирасига унинг буюк саркардамиз Амир Темур билан Дамашқдаги учрашуви бўлди. Ибн

imrconf.com

Халдун Дамашқ шаҳрининг Амир Темурга топширилиши шартлари бўйича музокара олиб борган делегация таркибига кирган эди. Шу тариқа Ибн Халдун Амир Темур билан шахсан суҳбатлашиш шарафига мушарраф бўлган.Олимнинг далолат беришича, Амир Темур ундан Мағриб мамлакатлари, унинг манзиллари ва шаҳарларини батафсил баён қилиб беришни сўраган.Ибн Халдун Амир Темур ташқи сиёсий фаолиятига салбий назар билан қарашидан қатьий назар, соҳибқирон шахсиятига муносиб баҳо берган.У Амир Темурнинг ҳарбий тарих соҳасидаги теран билимидан ҳайратга тушган, уни “ мунозара –баҳсларни яхши кўрадиган ўткир заковатли ва теран зеҳнли инсон” деб таърифлаган.

Ибн Халдун тарихий ижтимоий тараққиётнинг моддий тамойилларига асосланиши ҳақида фикр юритган. 1382 йилдан бошлаб Қоҳирада яшаб , олим, сўнгра профессор, кейинчалик эса моликийларнинг Олий қозиси1 лавозимини эгаллаган. Ибн Халдун жуда ҳалол ва виждонли адолатпарвар инсон бўлгани боис, унинг душманлари ҳам йўқ эмас эди. Шунинг учун уни ушбу лавозимдан олиб ташлаш йўлида кўп ҳаракатлар бўлган. Бироқ улар ўз мақсадларига ета олишмади. Амир Темур Сурияга бостириб кирганида , Ибн Халдун ибн Арабшоҳнинг сўзларига кўра , у ерда ўз хўжайини билан бирга бўлиб, ўз концепцияси билан Темур эътиборини ўзига қаратишга муваффақ бўлади .Ҳамда у ўша Олий Кадий лавозимига қайта тикланди.

Ибн Халдуннинг диний дунёқарашининг шаклланишида асосан икки босқич муҳим аҳамиятга эга:

1.Диний таълим босқичи.

2. Ислом ақидаларининг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганиш ва баён қилишга бағишланган давр.

[1] Ўша даврда Шариат қозиси бўлган

imrconf.com

Ибн Халдун Ҳамҳия мадрасаси ҳамда “Ал Азҳар” билим юртида тахсил кўрган.Муслимнинг “Саҳиҳ”и ва Имом Молик бин Анаснинг “ Муватто” асари билан жиддий шуғулланган.Мисрдаги олий билим юртиларида таълим олиб,кейинчалик билимларидан фойдаланган холда Моликий мазҳаби асосида қозилик қилган.Хажга ва Байтул Мақдис зиёратига бориш истаги унинг динга эҳтироми ва эътиқоди даражасини кўрсатади.

Ибн Халдун ўз “Муқаддима” асарида дин ва дунё тушунчаларини бир-бирига зид қўяди.Аммо “дунё”деганда “дунёвийлик”ни эмас ,ёлғон ,бемаънилик ,ортиқча ҳашамат ,мансабпарастлик ва молпарастлик ,умуман олганда ҳирснинг кўчма маъносини назарда тутадиі.2 Дин деганда эса мутафаккир диний тизим ёки диний шакл –шамоилини эмас,балки адолат ,поклик ,масъулият ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби маънавий юксак фазилатларини назарда тутади.Ибн халдун нафақат исломни ,яҳудийлик ва христианликни(несторианликни)ҳам ўрганади.Аммо у кўпинча дин тшунчасига тарихий ва маданий жиҳатдан ёндашади.Ўз хулосаларини эса услубий жиҳатдан эмас ,муфассал баён тарзида етказиб беради.

Ибн Халдун шариат сохибининг нафақат динини асраши балки дунёвий сиёсатни авайлаши ҳам зарурлигини айтади.Шунингдек,динни яна бир карра манфаатпарастликни акси ўлароқ талқин қилади.Ибн Халдуннинг ислом илоҳиёти масалаларига ёндашуви Ибн Сино ва Беруний таълимотларини эсга олади.У дин тарихини тўқима ва асоссизривоятларга эмас,мантиқан асосли далилларга таяниб баён этишни маъқул кўради.

[2] Абдураҳмон ибн Халдун.Муқаддимату Ибн Халдун.-Искандария.-б.305-337

imrconf.com

Қуръон ва Ҳадис илмлари ҳақида сўз бораркан,Ибн Халдун бу илмлар тарихини шаклланиш ва ривожланишига кўра бир неча босқичларга бўлади:

А) Қурьон ва ҳадиснинг пайдо бўлиши;

Б) умматнинг Қурьон ва Ҳадис билан танишиб ўз ҳаётига тадбиқ этиши;

В) Саҳобалар ва Тобеъинлар вафотидан сўнг Қурьон ва ҳадиснинг илм сифатида шаклланиши;

Г) Қурьон ва Ҳадис илмларининг мустақил тармоқларга бўлиниб таснифлаши.

Ибн Халдун фикрича , даставвал Қурьон ва ҳадис башарият учун ҳаётий дастур вазифасини бажарган бўлса ,вақт ўтиб улар тадқиқот обеъктига айланди.Бу даврга келиб ,Қурьоншунослик харфлар аҳамияти,тафсир ,қироатлар илмини ўрганган бўлса,ҳадисшунослик ишончлилиги даражасига кўра ҳадис турлари ва етиб келиш йўлларини ўргана бошлади.Ибн Халдун ҳадис илмида юксак даражаларга эришмаган бўлса ҳам ,шу соҳада анча билимдон ,пешқадамлардан эди.

Ибни Халдуннинг ижтимоий бутунлик ва ижтимоий бирдамлик фикри Қуръон Каримнинг Анфол сурасининг 46- оятида айтганлари билан алоқалидир: “ Оллоҳга ва унинг Расулига итоат қилинг. Низо қилманг (келишмовчиликка тушманг), йўқса заиф тушасиз ва қувватингиз қўлингиздан кетар. Сабр қилинг . Муҳаққақ ки Оллоҳ сабр қилганлар билан баробардир.”

Француз географи Ив Лакост айтади: “Бу мағриблик буюк мутафаккирнинг ўн тўртинчи асрда кўтарган масалалари бугун бизни хушёрликка ундайди,қолоқ бўлиб қолмасдан ,замон билан ҳамнафас бўлишга чақиради.Ибн Халдун ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун юзлаб асарлар ,илмий мақолалар ёзилди.Ушбу машҳур асарлардан:Ив Лакост “Аллома Ибн Халдун”,Тоҳо Хусайн “Фалсафату Ибн Халдун

imrconf.com

ижтимаия”,Муҳаммад Маҳмуд Рабеъ “ Анназариятул исламия лиибни Халдун”, Имодидин Халил

“Исломий Ибн Халдун”.

Ибн Халдун ҳадис илмида юксак даражаларига эришмаган бўлса ҳам ,шу соҳада анча билимдон ,пешқадамлардан эди.У ҳадис китоблари билан яхши таниш ,хусусан,Муслимнинг “Саҳиҳу Муслим”китобини тўлиқ ўзлаштирганди.Имом Молик Ибн Анаснинг “Муватто” асарини Мисрдаги олий даргоҳда бўлган кезларида ўқиган,шу билан биргаликда у ерда ҳадис илми истилоҳи,ҳадис санъадлари (ривоят қилувчилари)ҳақидаги илмни ва шу ҳадис соҳасидаги илм арабоблари ҳаётини ўрганди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак , Абдураҳмон Ибн Халдуннинг бевосита динга муносабатини ўрганиш –унинг дунёқараши ва фикрлаш кўламини ҳам белгилашга хизмат қилади.Ибн Халдун диний илмларга ҳам ,диний тарбия тшунчасига ҳам ,бевосита дин тшунчасини ўзига ҳам “жамиятни барқарорлаштириш ва бирлаштириш воситаси” деб қарайди.Ибн Халдуннинг “Давлатнинг асл илдизи диндир” деганда “ давлатни кучли ва буюк қиладиган омил-ижтимоий бирликнинг маънавий –руҳий кўриниши экани” ни назарда тутгани мутафаккирнинг динга муносабатини умумий шаклда ифодалаб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Алексеев И. Л. Возвращаясь к Ибн Халдуну// Pax Islamica, 1/2008, с.5-14;
2. Араби Б. Ибн-Хальдун — основоположник арабской социологии // Социологические исследования. — 1990. — Т. 11. — С. 107—109.
3. Бациева, С. М. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Мукаддима». — М. : Наука, 1965.

imrconf.com

4. Бациева С. М. Бедуины и горожане в Мукаддиме Ибн Халдуна // Очерки истории арабской культуры V—XII веков. М., 1982;

5. Ибн Хальдун Абдуррахман Абу Зейд ибн Мухаммед / Бациева С. М., Сагадеев А. В. // Евклид — Ибсен. — М. : Советская энциклопедия, 1972. — (Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров ; 1969—1978, т. 9).

6. Иванов Н. А. «Китаб аль-Ибар» Ибн Халдуна как источник по истории стран Северной Африки в XIV в. // Арабский сборник. М., 1959;

7. Игнатенко А. А. Ибн-Хальдун / Оформление серии и гравюра художника А. И. Ременника. — М.: Мысль, 1980. — 160 с. — (Мыслители прошлого). — 50 000 экз.

8. Коротаев А. В. Долгосрочная политико-демографическая динамика Египта: Циклы и тенденции. М.: Восточная литература, 2006. — ISBN 5-02-018526-4;

9. Крымский А. Е. Ибн-Хальдун // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.

10. Розов Н. С. Закон Ибн Халдуна// Политический класс. 2006, 16;

11. Смирнов А. В. Ибн Халдун и его «новая наука» // Историко-философский ежегодник’2007. М.: «Наука», 2008. — 530 с. — ISBN 978-5-02-035961-1. — С. 159—186;

imrconf.com